

**“INVEST FINANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНING
71 – СОНЛИ БАЁННОМАСИ**

Тошкент шаҳри

25 июнь 2025 йил

Тўлиқ номи: “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти

Қискартирилган номи: “InFinBank” АЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1- уй

Акциядорлар умумий йиғилиши тури: Йиллик умумий йиғилиши

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишининг шакли:

Тегишли материалларни Акциядорлик умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин акциядорларга юбориши. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиши ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши.

Акциядорларнинг навбатдаги Умумий йиғилиши Банк Кузатув кенгашининг 2025 йил 03 июндаги 57 - сонли Баённома қарорига асосан чақирилган.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санаси: 2025 йил 25 июнь

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиш жойи:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1- уй

Умумий йиғилиш бошланиши вақти: соат 15:00

Умумий йиғилиш тугаган вақти: соат 17:00

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги Корпоратив ахборот ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган ҳамда 2025 йил 03 июнь санасига шакллантирилган банк акциядорлари реестри асосида уларга электрон почта манзилига билдиришинома юборилган.

Умумий йиғилишда қатнашдилар:

Банк акциядорлари	Реквизитлар/паспорт маълумотлари	Акциядорлар эга бўлган овозлар сони	Акциядорларнинг шакллантирилган Банк устав капиталидаги улуши
Жисмоний шахслар:		540 215 411	60,02%
Маматджанов Фарход Фахритдинович	ID карта AD 8888881, IV 36015 томонидан, 30.10.2023 йилда берилган.	507 815 411	56,42%
Абдусаматов Парвиз Махсудович	Паспорт АВ 0309427, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ИИБ томонидан 04.07.2015 йилда берилган.	32 400 000	3,60%
Юридик шахслар:		359 784 589	39,98%

“Prestij Rielt” МЧЖ ҚК	Директор – Юлдашев Илхам Рустамович (ID карта AD 5441644, IV 26296 томонидан, 16.12.2023 йилда берилган).	286 438 817	31,83%
“AZIA TRANS TERMINAL” МЧЖ	Бош директор – Кадилов Абдурашид Абдуваситович (ID карта AD 2771974, IV 26263 томонидан, 11.03.2023 йилда берилган).	73 345 772	8,15%
Ҳаммаси, шу жумладан		900 000 000	100,00%

2025 йил 19 июнь ҳолатига тузилган Акциядорлар реестри маълумотларига кўра, “InFinBank” АЖ акциядорлари – овоз берувчи акциялар эгаларида мавжуд овозлар сони 900 000 000 овозни ташкил этади (битта акция – битта овоз).

Умумий йиғилишда қатнашаётган Акциядорлар – Банк овоз бериш акциялари эгалари ихтиёридаги овозларнинг умумий сони 900 000 000 тани ёки Банк овоз бериш акцияларининг 100,0%ини ташкил этади. **Йиғилиш кворуми – 100,00%.**

Банк Кузатов кенгаш раиси **Абдуллаев Зиқирилло Сағдуллаевич** маълум қилдики, “InFinBank” АЖ Уставига кўра, ушбу навбатдаги йиллик Акциядорлар умумий йиғилиши ҳуқуқий кучга эга ва мазкур умумий йиғилиш натижаларига кўра, қабул қилинган барча қарорлар ҳақиқий деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик Умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилиш Раиси этиб, Банк Кузатов кенгаш раиси **Абдуллаев Зиқирилло Сағдуллаевични**, йиғилиш Котиби этиб, **Раҳматуллаева Лола Уткировна**ни, йиғилиш Раёсати таркибига Банк акциядори **Юлдашев Илхам Рустамович** ва **Кадилов Абдурашид Абдуваситовични** сайлаш тўғрисида таклиф киритилди, ушбу таклифлар бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш Раиси:	Банк Кузатов кенгаш Раиси Абдуллаев Зиқирилло Сағдуллаевич
Йиғилиш Раёсати:	Банк акциядорлари Кадилов Абдурашид Абдуваситович Юлдашев Илхам Рустамович
Йиғилиш Котиби:	Корпоратив консултант Раҳматуллаева Лола Уткировна
Таклиф этилганлар:	Банк Кенгаши аъзолари Банк Бошқаруви аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

1. Банк Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
3. Банк Кузатов кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш;
4. Банк Бошқарувининг Банкнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2025 йилги асосий вазифаларини тасдиқлаш;

5. Банкнинг 2024 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш;
6. Банк Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтиришни кўриб чиқиш;
7. Банкнинг 2025 йил фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
8. Банк Кузатув кенгашининг 2025 йилда қабул қилган қарорларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
9. Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
10. Банкнинг ички меъёрий ҳужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва тасдиқлаш;
11. Банкнинг 2025 йил 1-чорак якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

Маълумотларни тақдим этиш, Кун тартиби бўйича таклиф ва шарҳларни йиғиш, шунингдек, Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишни ташкил этиш йиғилиш Раёсати ва Котиби томонидан таъминланди.

Акциядорларни рўйхатга олиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, шунингдек овозларни санаб чиқиш Санок комиссияси томонидан амалга оширилди.

Барча ташкилий масалалар кўриб чиқилганидан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

1-масала. Банк Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш юзасидан Йиғилиш раиси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига кўра, Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Шу сабабли, уч кишидан иборат Санок комиссиясининг таркибига қуйидаги номзодларни кўрсатиш таклиф этилаётганлиги маълум қилинди:

1. Атамирзаев Жаҳонбек Махмуджонович;
2. Мусаев Хафиз Агзамович;
3. Алимов Баходир Аллабергенович.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Санок комиссиясининг таркибига, акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар, қуйидаги номзодлар тасдиқлансин.

1. Атамирзаев Жаҳонбек Махмуджонович;
2. Мусаев Хафиз Агзамович;
3. Алимов Баходир Аллабергенович.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 900 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

2-масала. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш юзасидан Йиғилиш раиси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини умумий йиғилишни ўтказиш регламенти билан таништирди ва уни қуйидагича тасдиқлаш таклифини киритди:

- асосий масалалар ва маърузалар учун – 15 дақиқагача;
- қўшимча маърузалар, муҳокама ва савол-жавоблар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш натижаларини санаб чиқиш учун танаффус – 10 дақиқа.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

2. “InFinBank” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 15 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш яқунларини ҳисоблаш учун танаффус – 10 дақиқа.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 900 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

3-масала. Банк Кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш юзасидан Йиғилиш раиси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Кун тартибига киритилган ушбу масала бўйича йиғилиш қатнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳамда Банк уставига кўра Банк кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколати доирасига киришини таъкидлаб ўтди. 2024 йил якуни бўйича Банк активлари, кредит ва инвестиция портфеллари ҳолати, банк капитали, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари, шунингдек банк тизими олдида қўйилган устувор вазифаларнинг ижроси таъминланганлиги ҳақидаги Банк Кузатув кенгашининг тегишли ҳисоботи йиғилиш қатнашчиларига ахборот учун тақдим этилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

3. “InFinBank” АЖнинг 2024 йил фаолияти якуни бўйича Банк Кузатув кенгашининг ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 900 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

4-масала. Банк Бошқарувининг Банкнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2025 йилги асосий вазифаларини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича Йиғилиш раиси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан, жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган вазифаларини тасдиқлаш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киришини маълум қилди ва сўзни Бошқарув раисига берди.

Шундан сўнг, Бошқарув раиси О.Л. Нуманова Банкнинг 2024 йил якунига кўра молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича қуйидагиларни маълум қилди:

Банкда Бухгалтерия ҳисобининг амалдаги меъёрлар асосида тайёрланган 2024 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича жами Активлар 12 044 млрд.сўмни, жами Пассив эса 10 630 млрд.сўмни ва хусусий Капитал 1 415 млрд.сўмни ташкил қилганлигини, ўз навбатида мазкур баланс кўрсаткичлари 2023 йил ҳисобот даври якунига мос равишда Активлар 26%га, Пассив 23%га ва хусусий Капитал 20%га ошганлиги, ҳамда мазкур кўрсаткичларнинг Банк бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги фарқлари йиғилиш қатнашчиларига тушунтирилди.

Шунингдек, Банк Бошқарув раиси томонидан 2024 йил давомида Банкка жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни, мурожаатлар йўналишлари тўғрисида, умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари тўғрисида маълумот тақдим этилди.

Шундан сўнг, Бошқарув раиси О.Л. Нуманова ўз сўзининг давомида Банк фаолиятининг 2025 йилга мўлжалланган бизнес-режа бўйича асосий вазифалари сифатида амалга оширилиши кўзда тутилган режалар билан Банк акциядорларини таништирди.

Йиғилиш қатнашчилари Бошқарув раисининг ҳисоботи юзасидан саволларига жавоб олдилар. Умуман олганда, Бошқарув раисининг 2024 йил якунлари бўйича фаолияти ижобий баҳоланди.

Ушбу масала мажлис иштирокчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинган, қарор матни овозга қўйилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

4.1. “InFinBank” АЖ Банк Бошқарувининг Банкнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2025 йилги асосий вазифалари тасдиқлансин;

4.2. “InFinBank” АЖнинг 2024 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин;

4.3. “InFinBank” АЖ Бошқарувининг 2024 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 900 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

5-масала. Банкнинг 2024 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича Йиғилиш раиси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Банк Устави ҳамда Банкнинг Дивидендлар тўлаш сиёсати мувофиқ, ҳар йили молиявий якун натижаларига асосан олинган соф фойдани тақсимлаш Банк Кенгашининг тавсияси асосида Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши лозимлигини билдирди.

Масаланинг ушбу жихатига тўхталиб, Банк томонидан 2024 йил якуни бўйича эришилган молиявий натижалари бўйича қисқача гапириб ўтди. Ҳисобот йили давомида Банк активларининг, хусусан даромад келтирувчи активларнинг бир маромда ўсиши белгиланган бизнес режа кўрсаткичлари таъминланган. Ўтган ҳисобот йилида банк ресурс манбаларининг оқилона диверсификациялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Амалга оширилган ишлар даромадлиқ ва ликвидлиқ кўрсаткичларининг мутаносиблигини сақлаш имконини беради. Банк фаолиятининг пировард самарадорлигини белгиловчи 2024 йил якуни бўйича соф фойда кўрсаткичи амалдаги меъёрлар бўйича 241 736 147 182,94 (МХҲС бўйича ташқи аудит ҳулосасига кўра 167 712 млн. сўм)ни ташкил қилди. Шундан 2024 йилни биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва Акциядорларни йиғилиш қарорларига асосан 114 600 000 000 сўм қисми акциядорларга дивиденд сифатида тўланиб, кейинчалик Банкнинг Устав фондида капитализация қилинган.

2024 йил якунлари бўйича Банк ва унинг филиалларининг молиявий ҳисоботлари консолидациялашган халқаро стандартларга мувофиқлиги тўғрисида “KPMG AUDIT” МЧЖ ташқи аудиторлик компанияси томонидан ижобий ҳулоса билан тасдиқланган.

“InFinBank” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича амалдаги меъёрлар тасдиқланган, ҳамда 2024 йил биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 127 136 147 182,94 сўмдан умумий захира фондида

12 086 807 359,15 сўмни йўналтириш айтиб ўтилди. Соф фойданинг – 115 049 339 823,79 сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдириш.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

5.1. “InFinBank” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича тасдиқланган соф фойданинг 2024 йил биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 127 136 147 182,94 сўмни ташкил этганлиги ва МХХС бўйича аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган соф фойданинг 2024 йил биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 53 112 млн.сўмни ташкил этганлигини маълумот учун қабул қилинсин;

5.2. “InFinBank” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича тасдиқланган соф фойданинг 2024 биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 127 136 147 182,94 сўм қуйидагича тақсимлансин:

- Умумий заҳира фондига – 12 086 807 359,15 сўм;

- Соф фойданинг – 115 049 339 823,79 сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 900 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

6-масала. Банк Бошқаруви раисини билан тузилган меҳнат шартномасини узайтиришни кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича Йиғилиш раиси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 06 майдаги ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига кўра, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи, коллегиял ижроия органининг аъзолари, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар белгиланганлиги ва уларни кўриб чиқиш таклифини киритди.

Қонуннинг 62-моддасига асосан Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилатганда акциядорларга жамият кузатув кенгашининг директор (бошқарув раиси), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси умумий йиғилишга киритилиши лозим.

Қайд этилганларни инобатга олиб, Кузатув Кенгаши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишига Банк бошқарув раиси Нуманова Ольга Леонидовна билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш тўғрисида хулоса билдирилиши керак.

Кузатув кенгаши аъзолари ва Банк Бошқарув раиси томонидан Банкни ривожлантириш ва бизнес режа ижросини амалга ошириш бўйича самарали ишлар амалга оширилганлиги айтиб ўтилди.

Раислик қилувчи, кун тартибидаги Банк бошқарув раиси Нуманова Ольга Леонидовна билан тузилган меҳнат шартномасини кейинги умумий йиғилишга узайтириш масаласи бўйича овоз беришни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

6. Банк Бошқарув раиси Нуманова Ольга Леонидовна билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати 1 йил муддатга (акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар) узайтирилсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 900 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

7-масала. Банкнинг 2025 йил фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига ҳақ тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш.

Мазкур масала бўйича Банк Кузатов кенгаш аъзоси/Банк Аудитор қўмитаси раиси Ш.Б. Мирзарахимов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 59–моддасига асосан, мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киришини маълум қилди. Шундан сўнг, Ш.Б. Мирзарахимов, йиғилиш қатнашчиларини Аудиторлик ташкилотларидан келиб тушган тижорат таклифлари билан таништирди.

Бўлиб ўтган муҳокамалардан сўнг Банк Кузатов кенгаш аъзоси/Банк Аудитор қўмитаси раиси Ш.Б. Мирзарахимов, 2025 йил якунлари бўйича Банкда аудит ўтказиш учун “KPMG Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти таклиф қилинсин ва унинг хизматлари учун тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 2 450 000 000,00 (икки миллиард тўрт юз эллик миллион) сўм этиб белгилашни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

7. 2025 йил якунлари бўйича Банкда мажбурий аудит ўтказиши учун “KPMG Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти таклиф қилинсин ва унинг хизматлари учун тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 2 450 000 000,00 (икки миллиард тўрт юз эллик миллион) сўм этиб белгилансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 900 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

8-масала. Банк Кузатов кенгашининг 2025 йилда қабул қилган қарорларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Мазкур масала бўйича Йиғилиш раиси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 89-моддасига асосан, Банк Кузатов кенгаши томонидан: 13.02.2025 йилдаги 24–сонли, 20.02.2025 йилдаги 25–сонли, 25.02.2025 йилдаги 26-I–сонли, 26.02.2025 йилдаги 27–сонли, 28.02.2025 йилдаги 28–сонли, 03.03.2025 йилдаги 29–сонли, 04.03.2025 йилдаги 30–сонли, 05.03.2025 йилдаги 31–сонли қарорларига асосан тузилган битимлар ва Банк фаолиятига тегишли қабул қилинган қарорлар бўйича кейинчалик низоли вазиятлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида, ушбу қарорларни тасдиқлаш учун Банк акциядорлар умумий йиғилишига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тавсия этилаётгани айтилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

8. Банк Кузатов кенгаши томонидан: 13.02.2025 йилдаги 24–сонли, 20.02.2025 йилдаги 25–сонли, 25.02.2025 йилдаги 26-I–сонли, 26.02.2025 йилдаги 27–сонли, 28.02.2025 йилдаги 28–сонли, 03.03.2025 йилдаги 29–сонли, 04.03.2025 йилдаги 30–сонли, 05.03.2025

йилдаги 31–сонли қарорларига асосан тузилган битимлар ва Банк фаолиятига тегишли қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 900 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

9-масала. Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича Йиғилиш раиси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига Банкнинг ташкилий тузилмасига киритиладиган баъзи бир ўзгартиришлар тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 30.06.2020 йилдаги 3254-сонли “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги Низоми”га кўра, ўз ишининг самарадорлигини таъминлаш учун кенгаш махсус кўмиталар (бундан буён матнда кўмиталар деб юритилади), жумладан, аудит кўмитаси, таваккалчиликларни бошқариш кўмитаси, мукофотлаш кўмитаси, шунингдек, бошқа кўмиталар ташкил этиши мумкин.

Кенгаш томонидан ташкил этилган кўмиталарнинг асосий вазифаси ваколат доирасида масалаларни чуқур ўрганиш ҳамда улар бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, кенгашнинг назоратга доир вазифаларини бажаришида унга кўмаклашиш ҳисобланади.

Кўмиталар кенгаш қарорларининг ижроси, банк стратегияси ва мақсадларининг бажарилиш жараёнини таҳлил қилади, банк фаолиятига оид мунтазам ҳисоботлар ва ўзларининг тавсияларини кенгашга кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Кенгаш кўмиталарга юклатилган вазифалар ва мажбуриятларнинг ижросини доимий равишда назорат қилиб бориши ва бунинг учун етарли вақт ажратиши ҳамда кўмиталарни тажрибали аъзолар билан бутланишини таъминлаши лозим.

“InFinBank” АЖ Кенгаши ҳузуридаги Кўмиталарни номи ўзгарганлиги мунасобати билан: яъни, ““InFinBank” АЖ Таваккалчиликларни бошқариш кўмитаси”нинг номини ““InFinBank” АЖ Таваккалчиликларни бошқариш ва комплаенс кўмитаси”га, ““InFinBank” АЖ Ходимларни тайинлаш ва рағбатлантириш кўмитаси”нинг номини ““InFinBank” АЖ Корпоратив бошқарув, ходимларни тайинлаш ва рағбатлантириш кўмитаси”га ўзгартирилганини айтиб ўтди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳамда, Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига киритилгани айтилди ва йиғилиш қатнашчиларидан Банкнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси билан 1-иловага мувофиқ танишиб чиқиш сўралди.

Йиғилишдаги акциядорлар Банкнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси билан танишиб чиқгач, Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

9. Банкнинг янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2025 йил 25 июндан кучга киритилсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 900 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

10-масала. Банкнинг ички меъёрий ҳужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва тасдиқлаш.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича Йиғилиш раиси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига Банк фаолиятининг асосий тамойилларини белгиловчи

ва зарур йўналишларини мувофиқлаштирувчи “InFinBank” АЖ Кенгаши тўғрисида”ги Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Банк Кузатув кенгашининг тавсияларига таяниб, банкни стратегик бошқаришда унинг самарадорлигини ошириш ва замонавий корпоратив бошқарув услубларини такомиллаштириш мақсадида, банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари бўлган тегишли низомларни, ҳамда киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш зарурлигини маълум қилди.

Банкнинг ички низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар амалдаги қонунчилик асосида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири, ҳамда “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқлаштирилган.

Шундан сўнг, йиғилишдаги акциядорларга Банк ички меъёрий ҳужжатини ““InFinBank” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар” лойиҳаси билан 2-иловага мувофиқ танишиб чиқиш таклиф этилди.

Акциядорлар ““InFinBank” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар” лойиҳаси билан танишиб чиқгач, йиғилиш раиси кун тартибидаги ушбу масала юзасидан овоз беришни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

10. ““InFinBank” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 900 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

11-масала. Банкнинг 2025 йил 1-чорак якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

Мазкур масала бўйича Йиғилиш раиси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, 2025 йил 1-чорак якунига кўра Банкнинг соф фойдаси 53 617 386 000,00 сўмни ташкил этганлигини ва 2025 йил 1-чорак якуни бўйича Банкнинг молиявий ҳисоботлари халқаро стандартларга мувофиқлиги тўғрисида “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ижобий хулоса билан тасдиқланганлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Банк Устави ҳамда Дивидендлар тўлаш сиёсатига мувофиқ, Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлилиги қайд этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, йиғилиш раиси Банк Кенгаши томонидан Банк акциядорлари умумий йиғилишига Банкнинг 2025 йил 1-чорак якунига кўра олинган 53 618 млн.сум (Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича 68 519 млн.сўм)ни соф фойдасини қуйидагича тақсимлаш таклиф этилганлигини маълум қилди:

- 2025 йил 1 - чорак якуни бўйича соф фойдадан 50 000 млн.сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтириш;

- 2025 йил 1-чорак якуни бўйича соф фойданинг қолган қисми 3 618 млн.сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдириш;

- 2025 йил 1-чорак якунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган акциясига 55,56 сўмдан дивиденд тўлаб бериш;

- Дивидендларни пул маблағлари билан Банк устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб бериш;

- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси 2025 йил 25 июнь этиб ва уларни тўлашни тугатиш санаси 2025 йил 22 август этиб белгилаш;

- Банк акциядорлари уларга ҳисобланган дивидендларни чиқариладиган акцияларга тўлов сифатида юбориш ҳуқуқига эга этиб белгилаш.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

11.1. Банкнинг 2025 йил 1 - чорак якуни бўйича 53 618 млн.сум соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 2025 йил 1 - чорак якуни бўйича соф фойдадан 50 000 млн.сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтирилсин;

- 2025 йил 1-чорак якуни бўйича соф фойданинг қолган қисми 3 618 млн.сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин;

- 2025 йил 1-чорак якунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган акциясига 55,56 сўмдан дивиденд тўлаб берилсин;

- Дивидендларни пул маблағлари билан Банк устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб берилсин;

- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси 2025 йил 25 июнь этиб ва уларни тўлашни тугатиш санаси 2025 йил 22 август этиб белгилансин;

- Банк акциядорлари уларга ҳисобланган дивидендларни чиқариладиган акцияларга тўлов сифатида юбориш ҳуқуқига эга этиб белгилансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 900 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР:

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

1. Санок комиссиясининг таркибига, акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар, қуйидаги номзодлар тасдиқлансин.

1. Атамирзаев Жаҳонбек Махмуджонович;

2. Мусаев Хафиз Агзамович;

3. Алимов Баходир Аллабергенович.


Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

2. “InFinBank” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 15 дақиқагача;

- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;

- овоз бериш якунларини ҳисоблаш учун танаффус – 10 дақиқа.



Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

3. “InFinBank” АЖнинг 2024 йил фаолияти якуни бўйича Банк Кузатув кенгашининг ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

4.1. “InFinBank” АЖ Банк Бошқарувининг Банкнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2025 йилги асосий вазифалари тасдиқлансин;

4.2. “InFinBank” АЖнинг 2024 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин;

4.3. “InFinBank” АЖ Бошқарувининг 2024 йилдаги фаолияти қоникарли деб топилсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

5.1. “InFinBank” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича тасдиқланган соф фойданинг 2024 йил биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 127 136 147 182,94 сўмни ташкил этганлиги ва МХХС бўйича аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган соф фойданинг 2024 йил биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 53 112 млн.сўмни ташкил этганлигини маълумот учун қабул қилинсин;

5.2. “InFinBank” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича тасдиқланган соф фойданинг 2024 биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 127 136 147 182,94 сўм қуйидагича тақсимлансин:

- Умумий захира фондига – 12 086 807 359,15 сўм;

- Соф фойданинг – 115 049 339 823,79 сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:

6. Банк Бошқарув раиси Нуманова Ольга Леонидовна билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати 1 йил муддатга (акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар) узайтирилсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича:

7. 2025 йил якунлари бўйича Банкда мажбурий аудит ўтказиш учун “KPMG Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти таклиф қилинсин ва унинг хизматлари учун тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 2 450 000 000,00 (икки миллиард тўрт юз эллик миллион) сўм этиб белгилансин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича:

8. Банк Кузатув кенгаши томонидан: 13.02.2025 йилдаги 24–сонли, 20.02.2025 йилдаги 25–сонли, 25.02.2025 йилдаги 26–I–сонли, 26.02.2025 йилдаги 27–сонли, 28.02.2025 йилдаги 28–сонли, 03.03.2025 йилдаги 29 –сонли, 04.03.2025 йилдаги 30–сонли, 05.03.2025 йилдаги 31–сонли қарорларига асосан тузилган битимлар ва Банк фаолиятига тегишли қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича:

9. Банкнинг янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2025 йил 25 июндан кучга киритилсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича:

10. ““InFinBank” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича:


11.1. Банкнинг 2025 йил 1 - чорак якуни бўйича 53 618 млн.сум соф фойдаси қўйидагича тақсимлансин:

- 2025 йил 1 - чорак якуни бўйича соф фойдадан 50 000 млн.сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтирилсин;
- 2025 йил 1-чорак якуни бўйича соф фойданинг қолган қисми 3 618 млн.сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин;
- 2025 йил 1-чорак якунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган акциясига 55,56 сўмдан дивиденд тўлаб берилсин;
- Дивидендларни пул маблағлари билан Банк устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб берилсин;
- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси 2025 йил 25 июнь этиб ва уларни тўлашни тугатиш санаси 2025 йил 22 август этиб белгилансин;
- Банк акциядорлари уларга ҳисобланган дивидендларни чиқариладиган акцияларга тўлов сифатида юбориш ҳуқуқига эга этиб белгилансин.

Ушбу билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз ишини якунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Баённома тузилган сана “26” 06 2025 йил.

Йиғилиш раиси



З.С. Абдуллаев

Йиғилиш котиби



Л.У. Рахматуллаева

